

3-МАВЗУ: ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ

ЖИНОЯТ ДЕБ – жиноят қонуни билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади (ЖК 14-моддаси 1-қисми).

фақатгина, қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят бўла олади. жиноят содир қилиш тўғрисидаги фикр жиноят сифатида қабул қилинмайди.

ЖИНОЯТ БЕЛГИЛАРИ :

```
graph TD; A[ЖИНОЯТ БЕЛГИЛАРИ :] --> B[ИЖТИМОЙ  
хавфлилиги]; A --> C[ҳуқуққа  
хилофлилиги]; A --> D[айбнинг  
мавжудлиги]; A --> E[жазога  
сазоворлиги];
```

ИЖТИМОЙ
хавфлилиги

ҳуқуққа
хилофлилиги

айбнинг
мавжудлиги

жазога
сазоворлиги

ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ – содир қилинган қилмиш жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки шундай зарар етказиш реал хавфини туғдириши мумкинлигини англатади.

ҲУҚУҚҚА ХИЛОФЛИЛИГИ — содир қилинган қилмишнинг жиноят қонуни билан тақиқланганлигини англатади.

АЙБНИНГ МАВЖУДЛИГИ - содир қилинган қилмиш қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилгандагина жиноят деб топилишини англатади.

ЖАЗОГА САЗОВОРЛИГИ - содир қилинган қилмиш учун ЖК Махсус қисм моддаларида назарда тутилган жазо чораларининг тайинланиши мумкинлигини англатади.

ЖК 15–МОДДАСИГА КЎРА, ЖИНОЯТЛАР ЎЗИНИНГ ХУСУСИЯТИ ВА ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИК ДАРАЖАСИГА КЎРА ТАНСИФЛАНАДИ.

1


ЖИНОЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИК ХУСУСИЯТИ - тажовуз объекти (инсон ҳаёти, соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги), айб шаклига (қасд, эҳтиётсизлик) қараб белгиланади.

2

ЖИНОЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИК ДАРАЖАСИ - қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлик даражаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ва келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади.

3

ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ - жазо тайинлаш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жазодан озод қилишда эътиборга олинади.



1

ИЖТИМОЙ ХАВФИ КАТТА БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАРГА - қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

2

УНЧА ОҒИР БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАРГА - қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

3

ОҒИР ЖИНОЯТЛАРГА – фақат қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

4

ЎТА ОҒИР ЖИНОЯТЛАРГА – фақат қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Агарда содир этилган жиноят учун ЖК махсус қисм моддасида озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолардан бошқа турдаги жазолар назарда тутилган бўлса, ушбу жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра - **ижтимоий хавфи катта бўлмаган** жиноятлар туркумига киради.

ОҒИР ВА ЎТА ОҒИР ЖИНОЯТЛАР - эҳтиётсизлик орқасидан содир этилмайди.

4 - МАВЗУ: ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ

ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БУ - жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш орқали жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир (жк 16 - моддаси).



ЖАЗО - суд томонидан қўлланиладиган ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини маълум муддатга чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан бирга уни қайта тарбиялаш мақсадини кўзловчи давлатнинг мажбурлов чораси тушунилади.

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК АСОСИ ДЕГАНДА – шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш учун исботланиши лозим бўлган ҳолатлар мажмуи тушунилади.

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК АСОСИНИ - содир қилинган қилмишда жқда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжудлиги жиноий жавобгарлик асосини ташкил қилади.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ !!!**